

Маккада тушган, 26 оятдан иборат

«Гошия» лугатда «ўраб олувчи» деган маънода. Сура барча халойикни ўз дахшати билан ўраб оладиган киёмат куни рўй берадиган воқеа-ходисаларни баён қилиш билан бошлангани учун шундай номланган. Сурада Аллох таолони рози қилган солих бандалар учун жаннатда тайёрлаб қўйилган ажойиб неъматлар хақида батафсил сўз боради. Бу сурада ҳам Еру осмондаги ҳар бир мавжудот ягона Яратувчининг – Аллох таолонинг борлигига далолат қилиб туриши таъкидланади. Инсонлар Аллох таоло яратиб қўйган осмонлар, Ер, тоғлар, туя каби хайвонлар хақида тафаккур қилишга чорланади.

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи билан бошлайман.

1. (Эй Муҳаммад,) сизга «гошия» хабари келди:

Яъни эй Пайгамбарим, ҳозиргача инсонлар беҳабар бўлган «гошия»нинг хабарини сизга етказмоқдамиз. «Гошия» (ўраб олувчи) киёматнинг номларидан биридир. Бундай

номланишига сабаб, киёмат куни ўз кўркувлари ва дахшатлари билан барча махлукотларни ўраб-камраб олади. Сиз буларни инсонларга етказинг, токи улар бу дахшатли кун келмасидан олдин охиратларига тайёргарлик кўришсин, Парвардигорингиз розилигини топиш учун Унинг амр-фармонларига итоат этишсин, дунёдаги хаётларини солих амаллар билан безашсин.

2. ўша кунда сўлгин бўлар айрим юзлар;

Киёмат куни баъзи юзлар сўлгин, хор бўлади. Нима учун? Чунки инсон калбидаги кечинмалар, хиссиётлар, васваса ва галаёнлар унинг юзида акс этади. Аллох таолонинг вахийларини инкор этиб, хатто уларни ёлгонга чиқарганлар, У Зот юборган пайгамбарларга ишонмай, уларни хўрлаганлар, хаётини лаззатлар огушида, айш-ишратда, бузукликларга гарк холда совурганлар киёмат кунининг дахшатию вахшатидан кочишга жой тополмай, ичларини алам, хорлик, надомат кемиради. Оятдаги «хошиъа» хорлик маъносидадир. Ана шу хорлик кийноклари осийлар юзига уриб кетганидан юзлари аянчли холатга тушади. Куръони Каримда бундай хабар берилган: «*Ўша куни баъзи юзлар буришади, улкан азоб келишини кутишар экан.*» (Киёмат, 24-25).

3. машаккатдан хориган;

Киёмат куни ўша сўлгин юзлар яна кийинчилик-машаккатлардан хориган, кийналган бўлади. Нима учун? Чунки эртадан-кечгача тиним билмай елиб-югурсанг, канча машаккатларга учрасанг, жонингни азобга кўйиб канча иш-амалларни килсанг-да, эвазига киёмат куни ҳеч нарсага эга бўлолмай, курук кўл билан колсанг, бундан ҳам аянчли, кулфатли холат бўладими? Оятдаги «ъамилатун- насиба» кийналиб бефойда иш килувчи маъносидадир. Дунё хаётида оламшумул ишларни, амалларни килган-у, аммо ўзлари куфрда ёки нотўғри эътиқодда бўлганлар киёмат куни ана шу холга тушадилар. Кандай фойдали, жамиятга керакли ишларни килишмасин, иймонлари бўлмагани учун улар охиратда ҳеч қандай савоб ёки насиба ололмайдилар.

4. куйдирувчи оловга кириб.

Ушбу ояти каримадан бошлаб Аллох таоло куфр ва ширк балосига учраган, бузук гоя ва

маслакларга кул бўлган, эътиқоди бузук, инсонлар ўйлаб топган хар хил «дин» ва мазхабларга эргашган (масалан, буддавийлик, кришначилик, бахоийлик, дахрийлик каби) кимсаларга киёмат куни тайёрлаб қўйилган аламли азоблар, жазолар ва кийноқлар хақида баён этади. Хор бўлган юз эгалари амаллари бефойдалигидан, албатта, харорати ўта юксак оловга киришлари аниқ. Ўтнинг иссиғига чиқолмай ўзларини қаёкка қўйишни билишмайди, ташналикка дош беролмай дод-фарёд чекиб ичгани сув сўрашади. Абу Имрон Жунийдан ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб бир роҳибнинг маскани олдидан ўтаётиб, уни «Хой роҳиб!» деб чақирдилар. У уйдан чиқди, Хазрати Умар роҳибни қўриб йиглашга тушдилар. Йиги сабабини сўрашганида: Аллох таолонинг «Ўамилатун-насиба, тасла нарон хамиях» сўзини эсладим, шу нарса мени йиглатди», дедилар (Абу Бакр Барқоний ривояти).

5. Кайноқ сувли булоқлардан ичирилади.

Яъни ташналик азобидан кийналган дўзахийларга сув ўрнига «заккум» деган ўсимликнинг захар каби аччиқ суви, дўзахийлардан оккан йиринг, зардоб кабилар кайноқ холда берилади. Энди бир тасаввур қилинг: оташ-олов ичида ташналик азобини чекиб, кийналиб ётганингизда ичишга кайноқ йиринг ёки оғу каби «шарбат» берилса, қандай ахволга тушган бўлардингиз? Охиратда дўзах ахлини ана шундай азоб, азоб бўлганда ҳам мангу давом этадиган, бирор сония дам олишга изн берилмайдиган жазолар кутяпти.

6. Ёйишга захарли тикандан бошқаси йўқдир;

Яъни қорни очган дўзахийларга эса тикандан бошқа «таом» берилмайди. Оятдаги «зориъ» ўта аччиқ, жуда захарли, куп-қурук тиканли ўсимликдир. Ибн Аббос (розиаллоху анху): «Зориъ» дўзахдаги тиканга ўхшаш ўсимлик, у алоэдан (сабур) аччиқ, ўлимтиқдан сассик, ўт-оловдан иссиқ нарсадир», деганлар. Зориънинг намлик холатида хижозликлар «шибрик» деб аташади. Қуригач, хатто қўл теккизиб бўлмайди, хайвон ҳам яқинлашмайди. Уни намлигида туядан бошқа бирор жонзот емайди, у на қорин тўйдиради, на семиртиради. Бундан ташқари, дўзах ахлига «гислин», «заккум» каби қўнғил айнитувчи, очликни кетказмайдиган «таом»лар ҳам берилади. Уламолар айтишадики, жаханнамнинг ҳам бир неча пастликлари, тубан ўринлари бўлиб, дўзахийлар гуноҳининг катта-кичиклигига қараб ўша ўринларга тушади. Айримларининг таоми заккум, баъзилариники гислин (йиринг ва зардоб), бошқалариники зориъдир.

7. у семиртирмайди хам, тўйдирмайди хам.

Бу таомлар семиртириш, танага фойда бериш уёқда турсин, тўйдирмайди хам, очлик азобидан куткармайди хам. «Лайса лахум тоамун илла мин зориъ» ояти тушганида мушриклар истехзо билан: «Зориъни еб, туяларимиз семиради-ку!» дейишганида, «Ла юмину вала югни мин жуъи» (у семиртирмайди хам, тўйдирмайди хам) ояти нозил бўлган.

8. Ўша кунда айрим юзлар шод-хуррам бўлар;

Куфр ва ширк эгаларининг юзлари дахшат ва кийноқлардан хоргин, сўлгин ва корайиб кетган бўлса, иймон эгалари, такволи зотларнинг юзлари хурсандчиликдан нурли, ял-ял ёниб турган бўлади. Чунки улар дунё хаётида охиратлари учун катта тайёргарлик кўришгани, Аллох таоло розилигини топиш учун факат яхши ишлар, солих амаллари килиб, икки дунё саодатини кўлга киритишгани учун кўнгиллари хотиржам, диллари таскинли холда туришади. Бу эса уларнинг юзларида хам акс этади.

9. амалларидан мамнун холда;

Жаннат ахллари килган солих амаллари, Аллох таолога итоатлари, хаётларини иймон билан хидоятда ўтказганлари эвазига бериладиган Парвардигорлари мукофотидан мамнун холда Аллох азза ва жаллага рўпара бўлишади. Уларнинг жаннатий эканлари шундок юзларидан билиниб туради. Бу ҳақда Куръони Каримнинг бир неча сураларида бундай баён этилади: «*Ўша куни баъзиларнинг юзи нурли бўлади, Парвардигорларига бокишар экан*» (Киёмат, 22-23); «*Аллох улардан рози бўлди, улар Аллохдан рози бўлишди*» (Баййина, 8); «*Чехраларида мамнунлик тароватини кўрасиз*» (Мутоффифин, 24).

10. олий жаннат боғларида.

Ушбу ояти каримадан бошлаб Аллох таоло охират дунёсида мўминларга тайёрлаб кўйган бемисл неъматлари, ақл бовар килмас мукофотлари хакида хабар беради. Булардан энг биринчиси мўминлар, такволи зотлар, Аллохнинг дўстлари васфи гўзал жаннатнинг юксак богларида бўлишади. Дўзахда пастликлар, тубанликлар бўлгани каби жаннатда ҳам мўминларнинг даражаларига караб юкори манзиллар, юксак боглар бўлади.

11. У ерда бефойда сўз эшитишмайди;

Мўминлар кўним топадиган олий жаннат богларида турли бефойда сўзлар, гийбат-шикоятлар, ёлгон-яшиқ ва мишмишлар, кўнгилга гашлик соладиган кайгули хабарлар бўлмайди. Жаннатийлар хамиша ором-фарогатда, таскин ва хурсандчилик ичида бўлишади.

12. унда бордир кайнар булоқлар;

Жаннатда муздай, мусаффо, покиза сувлар кайнаб-тошиб чикадиган ажойиб булоқлар мавжуд. Ундаги анхорларнинг биридан сут, биридан асал, яна биридан асло маст килмайдиган жаннатий шароблар окиб туради. Буларнинг бари Аллох таолонинг мўмин бандаларига хозирлаб кўйган тухфаларидир. Аллох таоло уларга бундай ваъда килган эди: *«Албатта, такводор зотлар осойишта жойда, боглар ва чашма-булоқлар узра бўлишади»* (Духон, 51).

13. унда бордир баланд сўрилар;

Жаннатийлар юмшок ипак тўшак-кўрпачалар тўшалган баланд сўриларда атрофларига мамнун, хушнуд бокиб ўтиришади. Бундан ҳам гўзал, бундан ҳам марокли ва кўз кувнатувчи машгулот бўлиши мумкинми? Бу ҳақда Куръони Каримнинг бир неча сураларида хабар берилади: *«У ердаги сўриларда ёнбошлаган холда жазирамани ҳам, қахратонни ҳам кўришмайди»* (Инсон, 13). *«Улар ўз жуфтлари билан сояларда, сўриларда ястаниб ўтиришади»* (Ёсин, 56); *«(Олтин) сўриларда, ястанган холларида бир-бирларига караб ўтиришади»* (Вокеа, 15-16);

«Сизлар килган амалларингиз сабабли бемалол еб-ичингиз, катор сўриларда ястанган холингизда»
(Тур, 19).

14. ва терилган кадахлар;

Жаннатийларга аталган сўриларда зинхор маст килмайдиган, аксинча кувват ва хуш кайфият багишлайдиган шароблардан истеъмом килиш учун кадахлар катор териб кўйилган. Улар олтин, биллур, кумуш каби ноёб маъданлардан ясалган. Куръони Карим бундай хабар беради: «Уларга кумуш идишлар ва биллур кадахлар айлангириб турилади. Кумушдан ҳам оппок биллур кадахларда истаганча ичишади. У ерда кадахларда занжабил аралашган ичимликлар ичирилади» (Инсон, 15-17).

15. ва каторланган ёстиклар;

Сўриларга мўминлар учун пар ёстиклар каторлаштириб териб ташланган. Улар хохлашса, уларга суяниб ўтиришади, иташса, ёнбошлаб олишади, хохлашса, бемалол ётиб олишади. Абу Хурайра (розияллоху анху) Пайгамбар алайхиссаломдан бундай ривоят килади: «Жаннатга кирган киши неъматлар ила бахтиёр, кулфатлардан узок бўлади. Унинг кийими асло тўзимамайди, ёшлиги бокий қолади. Жаннатда шундай неъматлар борки, уларни на кўз кўрган, на кулок эшитган, на инсон хаёлидан ўтган» (Имом Муслим ривояти).

16. хамма ёкка гилам тўшалган.

Жаннатдаги мўминлар хуш кайфиятда атрофга бокиб ўтирадиган сўриларнинг хаммасига гуллари кўзни камаштирувчи, дилни кувнатувчи чиройли ипак гиламлар тўшалган бўлади. Катодадан (розияллоху анху) ривоят килинишича, Аллох таоло жаннатдаги мўминларга аталган неъматларни васф килиб бўлганида, бундан залолат ахли ажабланиб колди. Шунда Аллох таоло уларнинг залолатларидан кайтишлари учун доимо кўзлари тушиб турадиган туя, осмонлар, тоғлар ва Ерни сифатлашга ўтди ва булар хакида тафаккур килишга чорлади.

17. Туянинг қандай яратилганига бокишмайдими?

Инсонлар атрофларида юрадиган туяга бокиб, ибрат олишмайдими? Аллох таоло уни қандай яратгани хақида тафаккур қилишмайдими? Аниқки, ҳар бир мавжудотнинг бекиёс ва бетакрорлиги Яратувчининг буюк хикмати ва улуг қудратию азаматига далолатдир. Аллох яратган ҳар бир махлуқот ақл эгалари учун аломат ва ибратдир. Худди шу қаби Парвардигор инсонлар эътиборини туянинг қандай яратилгани хикматига тортмоқда. Дарҳақиқат, туянинг ҳар бир аъзоси ажиб бир хикмат, алоҳида вазифа билан халқ қилинган. Туянинг кўз-киприклари, бурун катаклари ва кулоқларидаги химоячи узун туклар уни сахро шамолларида учадиган кумдан асрайди. Оёқ қафтлари икки туёқдан иборатлиги, ораси юмшоқ ёстикча билан боғлангани, туёқсифат тирноқлари туфайли у йўл танламайди, жазирама кумлар устидан юраверади. Тиззаларидаги махсус кадоқлар эса чўккалаганида химоя вазифасини ўтайди. Овқат топилмай қолса, унинг катта ёғли ўрқачи озуқа билан таъминлаб туради, у бу вақтда вазнининг ўттиз фоизини йўқотади, натижада у овқат ва сувсиз уч хафтагача яшай олади (Инсон бундай шароитда вазнининг саккиз фоизини йўқотса, ўттиз олти соат ичида танаси қуриб, халок бўлади). Туя ўзининг қалин юнги ёрдамида ёздаги эллик даражали иссиққа, қишда шунча даражали совуққа бемалол дош беради. Унинг ички аъзолари озуқа ва сувдан тежаб, унумли фойдаланишга мосланган. Бунинг устига шундай бардошли жонвор ўта итоаткор, юввош, ҳатто ёш болага ҳам бўйсуниб кетаверади. Бежизга уни «сахро кемаси» деб аташмайди. Аллох таолонинг: «Туянинг қандай яратилганига бокишмайдими?» деган маънодаги ояти бутун моҳияти билан туя қаби барча жонзотлар улуг Парвардигор томонидан Ер юзида яшаши учун мосланган ҳолда яратилган. Ақл эгалари Аллохнинг бу мўъжизалари хақида фикр юритишлари, ибрат олишлари, буюк Холикни танишлари керак бўлади.

18. Ва осмоннинг қандай тикланганига;

Ақл эгалари осмоннинг қандай тикланганига назар солиб, бундан ибрат олишмайдими? Яратувчининг буюк хикмати олдида тиз чўқишмайдими? Аллох таоло миллиардлаб галактикалар жойлашган бепоён осмонларни ҳеч қандай устун-тиргакларсиз тиклаб қўйганининг ўзи мўъжиза эмасми? Унга бехисоб юлдузлар, Қуёш, Ой, Ер ва бошқа сайёраларни жойлаб қўйгани, улар бир-бирига халакит бермаган ҳолда ҳаммаси ўз йўлида ҳаракат қилаётгани, бирор сония ҳам тўхтаб қолмаётгани, изидан чиқиб кетмаганининг ўзи мўъжиза эмасми? Аммо жохиллар, гофиллар, инкорчилар бундан ибрат олишмайди.

19. ва тоғларнинг қандай ўрнатилганига;

Ёки осмонўпар тоғларнинг Ерга козик каби маҳкам ўрнаштириб қўйилгани, улардаги яйловларни чорвалар учун озукаланиш макони килингани, тоғлар бағридаги беҳисоб хазина-бойликлар ҳам инсонларга хизмат килдириб қўйилгани ҳам Аллох таолонинг буюк яратувчилик кудрати ва хикматига бир ишорадир, аниқ далилдир. Уларга тафаккур нигоҳи билан караш Аллохдан қўрқишга чорлайди, Уни танитади, Унга яқинлаштиради. Ақл эгалари бундан ибратланиб, Аллохга янада итоатни кучайтирганлари холда, куфр ва жаҳолат эгалари тоғларга оддий тош қоялар сифатида қўз ташлайдилар.

20. ва Ернинг қай холда ёйиб қўйилганига.

Ёки инсонларнинг ҳаёт кечирishiлари, унда экин-тикинлар қилишлари, шаҳар-кишлоқлар қуришлари, бола-чақа қилишлари, Ернинг неъматларидан фойдаланишлари фойдаланишлари учун уни ёйик, текис қилиб қўйди. Агар Ермизнинг ҳамма жойи тоғ-тепалиқлардан ёки чуқур даралар ва ўнқир-чўнқирлардан иборат бўлганида у одамларнинг қулай яшаши учун яроқли бўлармиди?!

21. (Эй Мухаммад,) уларга эслатинг, сиз фақат эслатувчисиз.

Аллох таоло ибрат олишлари учун инсонларга ато этган бир неча неъматларини зикр этганидан кейин Ўз Пайгамбарига буюряптики, сиз мана шу ибрат-далилларни одамларга эслатинг, рисолатни уларга етказинг. Насихат килинг, керакли ўринларда Аллохнинг азобидан қўрқитинг, жаннатидан башорат беринг. Шу тарика уларни ҳақ йўлга, хидоятга чорланг. Жобир ибн Абдуллохдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Инсонлар «Ла илаха иллаллох» дегунларига қадар уларга қарши жанг қилишга буюрилдим, агар улар буни айтишса, қонлари ва жонларини мандан саклашибди ва ҳисоблари эса Аллохнинг зиммасигадир», деб «Фазаккир иннама анта музаккир» оятини ўқидилар» (Имом Аҳмад, Муслим, Термизий, Насоий ривояти).

22. Уларни мажбурловчи эмассиз.

Аммо уларни мажбурламанг, сўзингизни эътиборга олмаганлардан хафа бўлманг, сизни ёлгончига чиқариб, устингиздан кулганлардан ўқинманг. Сиз факат эслатувчисиз, вахийларимизни етказувчисиз. Ким уларга ишониб, қабул қилса, хидоятга эришибди. Ким уларга қуфр келтириб, инкор қилса, кофир бўлибди. Куръони Каримда айтилганки: *«Сиз улар устида мажбурловчи эмассиз. Бас, ушбу Куръон билан Менинг таҳдидимдан кўркадиган кишиларга насихат қилинг»* (Коф, 45).

23. Аммо ким юз ўгирса ва қуфрга кетса;

24. уни Аллох каттик азоблайди.

Ким вахийларимиздан юз ўгириб, уларни инкор қилган ҳолда қуфрга кетса, бундайларнинг ҳукмини Парвардигорингизнинг Ўзига ҳавола этинг. Қибри, жохиллиги ва қуфри тўфайли икки дунёсини ҳароб қилган бундай кимсаларни жазолаш Аллох таолонинг зиммасидадир.

25. Уларнинг қайтиши, албатта, Бизгадир.

Қиёмат қоим бўлганида инсонлар, жин ва бошқа махлуқларнинг бари Парвардигорлари ҳузурига қайтишади. Осий ва итоатсиз кимсалар Аллох азза ва жалланинг жазосидан қочиб ҳеч қаерга беркина олишмайди. Чунки осмонларнинг ҳам, Ернинг ҳам, бутун Қоинотнинг ҳам ягона эгаси Аллох таолонинг Ўзидир.

26. Шунда ҳисоб-китоб ҳам Бизда бўлади.

Жамики инсонларнинг ҳам, бошқа махлуқотларнинг ҳисоб-китоби ҳам Аллох таоло ҳузурига бўлади. Куръони Каримда бунинг хабари бир неча сураларда баён этилган: *«Парвардигорингиз номига қасам, уларнинг барчасидан қилиб ўтган иш-амаллари ҳақида сўраймиз»*

(Хижр, 92-93);

«Биз пайгамбар юборилганлардан ҳам, пайгамбарлардан ҳам, албатта, сўраймиз. Кейин

уларга воқеани, албатта, баён қиламиз, Биз гойиб эмас эдик»
(Аъроф, 6-7)

СУРАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Нўъмон ибн Баширдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллalloҳу алайхи васаллам) икки хайит ва жума кунлари Аъла, Гошия сураларини кироат қилардилар. Баъзан иккаласи бир кунда келиб қолса ҳам, иккала сурани кироат қилаверар эдилар» (Имом Аҳмад, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва бошқалар ривояти).